2025 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РЎЙХАТДАН ЎТГАН ДИУРЕТИК ВА АНТИДИУРЕТИК ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТУРЛАРИНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ

Гуломова Ноиба Равшанмирза қизи,
ф.ф.н.Тўхтаев Фарход Хакимович

Аннотация. *Ушбу илмий мақолада Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида 2025 йилда рўйхатдан ўтган диуретик ва антидиуретик дори воситалари турларининг таҳлили келтирилган. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 21 августдаги буйруғига мувофиқ тасдиқланган "Асосий дори воситалари рўйхати" ҳамда 2025 йил Давлат реестри маълумотлари асосида амалга оширилди. Олинган натижалар диуретик ва антидиуретик дори воситалари ишлаб чиқарувчи давлатлар бўйича тақсимланишини, фармацевтик шакллар таркибини ҳамда импорт ва маҳаллий ишлаб чиқариш нисбатини акс эттиради. Тадқиқот натижалари маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқарувчилари учун бозор имкониятларини баҳолаш ва истиқболли йўналишларни аниқлаш имконини беради.*

Калит сўзлар: *диуретиклар, антидиуретиклар, дори воситалари турлари, фармацевтика бозори, давлат реестри, таҳлил, ишлаб чиқарувчи мамлакатлар, фармацевтик шакллар, импорт, маҳаллий ишлаб чиқариш.*

Кириш қисми

Диуретик ва антидиуретик дори воситалари клиник амалиётда кенг қўлланилади ҳамда урологик касалликлар, хусусан, буйрак ва сийдик йўллари билан боғлиқ касалликларни даволашда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон фармацевтика бозорида ушбу турдаги дори воситаларига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Давлат томонидан тасдиқланган асосий дори воситалари рўйхати аҳолининг асосий тиббий эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ушбу сегментнинг фармацевтика бозоридаги мавжуд ҳолатини таҳлил қилиш, ишлаб чиқарувчилар, дори шакллари, келиб чиқиш мамлакати ва импорт ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш нисбатларини аниқлаш долзарб масала ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади

Ушбу тадқиқотнинг мақсади — Ўзбекистон Республикасида 2025 йилда рўйхатдан ўтган диуретик ва антидиуретик дори воситалари турларининг ҳолатини таҳлил қилиш, ишлаб чиқарувчи мамлакатлар бўйича тақсимланишини аниқлаш, фармацевтик шакллар тузилиши ҳамда импорт ва маҳаллий ишлаб чиқариш улушларини баҳолаш ва мавжуд ҳолат асосида истиқболли ривожланиш йўналишларини белгилашдан иборат.

Натижалар ва мухокамалар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 21 августдаги буйруғига асосан "Асосий дори воситалари рўйхат"и тасдиқланган. Асосий дори воситалари рўйхатида қуйидаги халқаро патентланмаган номдаги

диуретик ва антидиуретик дори воситалари киритилган. 1-жадвалда Асосий дори воситалари рўйхатига киритилган диуретик ва антидиуретик дори воситалари келтирилган.

1-жадвал

Диуретик ва антидиуретик воситалар

№	ХПН	Дори шакли
1.	Торасемид	2,5 мг; 5 мг; 10 мг; 20 мг таблеткалар
		5 мг/мл; 10 мг/мл инъекция учун эритма
2.	Спиронолактон	25 мг; 50 мг; 100 мг таблеткалар
		50 мг; 100 мг капсулалар
3.	Маннитол	10%; 15%; 20% 100 мл; 200 мл; 250 мл; 400 мл;
		500 мл инфузия учун эритма (флакон)
4.	Фуросемид	1% 2 мл инъекция учун эритма
		40 мг таблеткалар

Таҳлилнинг кейинги босқичида Ўзбекистон Республикасининг 2025 йилдаги тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестри маълумотларининг таҳлили амалга оширилди. Таҳлил натижаларига кўра 2025 йилда умумий 44 номли диуретик ва антидиуретик дори воситалари рўйхатдан ўтган бўлиб, ушбу дори воситаларнинг 18 (40,9%) тури хорижий ишлаб чиқарувчилар, 13 (29,55%) МДҲ давлатлари ишлаб чиқарувчилари ва 13 (29,55%) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган ва рўйхатдан ўтказилган. Кейинги босқичида Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестрининг йиллик маълумотлари таҳлили олиб борилди. 2-жадвалда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган диуретик ва антидиуретик дори воситаларини йиллик таҳлили натижалари келтирилган.

2-жадвал

2025 йилда диуретик ва антидиуретик дори воситаларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат реестри рўйхатидан ўтказилиш таҳлили

Йил	Ўзбекистон		МДҲ		Хорижий давлатлар		Умумий	
	Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%
2025	13	29.55	13	29.55	18	40.9	44	100

Таҳлилнинг кейинги босқичида диуретик ва антидиуретик дори воситаларни ишлаб чиқарувчи давлатлар бўйича таҳлили амалга оширилди ва натижалар 3-жадвалда келтирилди.

3-жадвал

Диуретик ва антидиуретик дори воситаларни ишлаб чиқарувчи давлатлар бўйича рўйхатдан ўтказиш таҳлили

№	Ишлаб чиқарувчи давлат номи	Сони

1.	Туркия	4
2.	Германия	4
3.	Польша	4
4.	Венгрия	3
5.	Чехия	2
6.	Италия	1
7.	Россия	5
8.	Украина	5
9.	Белоруссия	2
10.	Грузия	1

Таҳлил натижаларига асосан, диуретик ва антидиуретик дори воситалари турли давлатларнинг фармацевтик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган. Улар орасида сўнгги йилларда Россия, Украина, Германия, Польша ва Туркия каби давлатлар томонидан ишлаб чиқарилган диуретик ва антидиуретик дори воситалари энг кўп рўйхатдан ўтказилган. Таҳлилнинг кейинги босқичида диуретик ва антидиуретик дори воситаларининг дори шакли бўйича таҳлили олиб борилди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, диуретик ва антидиуретик дори воситаларнинг катта қисмини инфузия учун кукун, инъекция учун эритма, таблетка ва капсула дори шаклида рўйхатдан ўтган. Таҳлил давомида олинган натижалар 4- жадвалда келтирилган.

4-жадвал

2025 йилда рўйхатдан ўтган диуретик ва антидиуретик дори воситаларнинг дори шакллари бўйича таҳлил натижалари

№	**Дори шакли**	**Сони**
1.	Инъекция учун эритма	20
2.	Таблетка	21
3.	Капсула	3

ХУЛОСА.

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, диуретик ва антидиуретик дори воситаларининг дори шакли бўйича хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган диуретик ва антидиуретик дори воситалар етакчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган диуретик ва антидиуретик дори воситаларнинг маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган улуши ортиб бўлишига қарамай, маҳаллий фармацевтик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган диуретик ва антидиуретик дори воситаларининг дори шакллари турлари кенг эмас. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган диуретик ва антидиуретик хусусиятларга эга дори воситаларнинг деярли 70% га яқини хорижий давлатлардан келтирилмоқда. Ўзбекистон фармацевтика бозоридаги маҳаллий фармацевтик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган диуретик ва антидиуретик дори

воситаларининг улуши эса фақатгина 20% ни ташкил қилмоқда. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида диуретик ва антидиуретик дори воситаларининг турлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда маҳаллий ва юқори самарали диуретик ва антидиуретик дори воситаларни яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш жуда долзарб ва истиқболли ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 21 августдаги буйруғи — “Асосий дори воситалари рўйхати”.
2. Давлат реестри маълумотлари — “2025 йилда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган дори воситалари тўғрисидаги маълумотлар”.
3. WHO Model List of Essential Medicines, 22nd list, 2021.
4. Brunton L.L., Hilal-Dandan R., Knollmann B.C. *Goodman & Gilman’s: The Pharmacological Basis of Therapeutics.* 14-нашр, 2022.
5. Sweetman S.C. *Martindale: The Complete Drug Reference.* 39-нашр, Pharmaceutical Press, 2017.
6. EMA (European Medicines Agency). Диуретик ва антидиуретик воситалар бўйича баҳолаш ҳисоботлари, 2022.
7. Kramer H.J. ва ҳаммуаллифлар. “Диуретик воситалар фармакологияси,” *Kidney International*, 2020.
8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги — Дори воситалари бозори бўйича йиллик ҳисобот, 2025.
9. WHO Pharmaceutical Sector Country Profile: Uzbekistan, 2023.